

Ҳалим Тўраев
Бухоро Давлат университети доценти,
тарих фанлари номзоди

**«Маноқибӣ саъдийа» қўлёзма асари ва унинг Жўйбор
хўжалари ижтимоий-маънавий меросини ўрганишдаги
аҳамияти**

Бой тарихий меросимизнинг ижтимоий-маънавий томонларини ўрганиш ва тарғиб қилишда маноқибларнинг ўрни бўлакча. Маноқиблар нафақат адабий, балки муҳим тарихий манбадир. Чунки уларда бошқа манбаларда учрамайдиган, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётига доир қимматли маълумотларни учратиш мумкин¹. Буни яхши англаган тадқиқотчилар кейинги йилларда маноқибларни ўрганиш ва уларни ўзбек тилига таржима қилиб чоп этиш борасида бирмунча ишларни амалга оширдилар². Лекин бу иш ҳали кўнгилдаги даражада эмас. Маноқиблар табаррук саҳифаларидан жой олган бой маънавий-тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, илмий таҳлил қилиш тарихчи-манбашунослар зиммасига тушадиган вазифалардан биридир.

Шу масъулиятдан келаб чиқиб, Ҳусайн ас-Сарахсийнинг «Маноқибӣ саъдийа» асарининг илмий-маърифий қиммати, XVI аср ижтимоий-маънавий ҳаётини, айниқса Жўйбор хўжаларининг йирик вакили Хўжа Ислоннинг (1493-1563) ижтимоий-маънавий фаолиятини ўрганишдаги аҳамияти тўғрисида тўхталмоқчимиз. «Маноқибӣ саъдийа»нинг дастлабки тадқиқотчиси атоқли олим Б.А.Аҳмедовдир. У Балх хонлиги тарихини ўрганишда асар маълумотларидан фойдаланган³. Асар муаллифи тўғрисида маълумот жуда оз. «Маноқибӣ саъдийа»да қайд этилишича, Ҳусайн ас-Сарахсий Сарахсдан Бухорога келиб, Хўжа Ислонга мурид тушади ва узоқ муддат унинг ёнида бўлади. Асарни ёзишда муаллиф бир қанча мақомотлардан, шунингдек, Хўжа Ислонни кўрган, билган, ҳамсухбат бўлган кишиларнинг маълумотларидан кенг фойдаланган. Хўжа Али Рометаний, Амир Кулол, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд тўғрисида асарда келтирилган маълумотлар муаллифнинг ўз асарини ёзишда бошқа мақомотларга мурожаат қилганидан далолат беради.

Асар муқаддима ва олти бобдан иборат. Биринчи бобда Хўжагон тариқати ва унинг асослари тўғрисида маълумот берилади. Иккинчи боб Хўжа Ислоннинг аждодлари тарихига бағишланган бўлиб, бу ерда унинг шажараси

¹ Қаранг: Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар.- Т.: «Ўқитувчи», 1994.- 255 б.

² Қаранг: Исмаилов Л. Манакиб как исторический источник XVI в: Автореф. дис. ... канд. ист. наук.- Т.: ИВАН Уз ССР, 1991; Мир Кулол ва шоҳи Нақшбанд мақомотлари / Форс-тожик тилидан Садриддин Салим Бухорий ва Исроил Субҳоний таржимаси.- Т.: «Шарк», 1993; Ҳусайн ас-Сарахсий. Маноқибӣ саъдийа / Форс-тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Тўраев.- Бухоро, «Бухоро», 1997.

³ Қаранг: Аҳмедов Б.А. История Балха.- Т.: «Фан», 1982

келтирилади. Учинчи бобда Хўжа Ислоннинг таваллуд топиши ва болалик йиллари, тўртинчи бобда эса унинг қозоқлар юртига сафар қилиши баён этилади. Бешинчи боб Хўжа Ислон ҳаётининг интиҳоси, олтинчи боб унинг фарзандлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Хўжа Ислоннинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда тутган ўрни, мавқеи, шайбоний султонлари билан муносабати, Нақшбандия тариқати шайхи сифатидаги маънавий-руҳий фаолияти, ахлоқий камолот поғоналарини забт этишдаги саъй-ҳаракатлари, XVI аср иккинчи ярмида Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазият каби масалаларни ўрганиш учун «Маноқибӣ саъдийа» асари муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф Хўжа Ислон таржимаи ҳолини жуда яхши билганлиги боис, унинг болалик ва ўсмирлик йилларидаги воқеаларни батафсил баён қилади. Асарда сўфийлик тариқатининг асосини ташкил қилган инсон ва унинг Оллоҳга муносабати масаласи Хўжа Ислоннинг болалик чоғларида Оллоҳ ва унинг бирлигига нисбатан фикр-мулоҳазалари орқали баён этилади⁴.

Нақшбандия ва Жаҳрия тариқати намояндалари ўртасидаги ўзаро муносабат тўғрисида асарда баъзи маълумотлар учрайди. Асар маълумотларига суянадиган бўлсак, Жаҳрия тариқати йирик намояндаси Шайх Худойдоднинг Нақшбандия тариқатида бўлган Жўйбор хўжалари хонадонига муносабати яхшилиги маълум бўлади. Шайх Худойдод Бухорога келганда, ёш Хўжа Ислон унинг суҳбатига иштирок этади ва шайх муридлари томонидан қилинган зикру самоънинг гувоҳи бўлади. Шу суҳбатда Шайх Худойдод томонидан ёш Хўжа Ислонга илтифотлар кўрсатилади⁵. Хўжа Ислонга «Ху» зикри икки бор талқин қилинганлиги асарда баён этилган маълумотлардан аён бўлади. Биринчи бор Хўжа Яҳё томонидан, иккинчи бор Имом Абу Бакр Фазл қабри олдидаги шахс томонидан⁶. Муаллиф бу маълумотлар билан Хўжа Ислоннинг Хўжагон-нақшбандия тариқатидаги мавқеини мустаҳкамлашга ва унга тариқатдаги ворислик учун туғма қобилият мавжудлигини уқтиришга ҳаракат қилади.

Ўз замонасининг таниқли сиймоларидан бўлган Хўжа Порсонинг Хўжа Ислонга нисбатан диққат эътибори баландлигини муаллиф алоҳида таъкидлайди. Чунончи Хўжа Порсонинг намози дигардан сўнг ҳеч ким билан сўзлашмаслик одати бор эди. Бир бор Хўжа Порсо намози дигарни тугатиб энди ўтирганда, Хўжа Ислон ташриф буюради. Шунда у тарки одат қилиб, Хўжа Ислон истиқболига чиқди ва уни ўз хонасига олиб кириб узоқ суҳбат курди⁷. Шунингдек, Хўжа Ислон шахсининг шаклланишида Хўжа Аҳрор муридларидан Мавлоно Муҳаммад қозининг ҳам хизматлари борлиги асарда алоҳида таъкидланган. Хўжа Ислон ўн икки ёшга тўлганда Мавлоно

⁴ Хусайн ас-Сарахсий. Маноқибӣ саъдийа. Ўз.Р.ФА.ШИ. Қўлёзма, инв. № 1439/І, 11 аб

⁵ Ўша асар, 14аб, 15а; яна қаранг: Тўраев Ҳ. Нақшбандийлик ва Жўйбор хўжалари // Жаҳон мулкининг нигоҳбони. – Бухоро, «Бухоро», 1993

⁶ Хусайн ас-Сарахсий. Маноқибӣ саъдийа. Ўз.Р.ФА.ШИ. Қўлёзма, инв. №1439/І, 11 а, 14аб

⁷ Ўша асар, 15а

Муҳаммад Қози Самарқанддан Бухорога келиб, Хўжа Исломга тариқат асосларини ўргатади⁸.

«Маноқибӣ саъдийа»да «қизилбошлар»нинг хужуми Мовароуннаҳрдаги сиёсий барқарорликни издан чиқаргани ва Хўжа Ислом тақдирига ҳам муайян таъсир қилгани тўғрисида маълумот учрайди. «Қизилбошлар»⁹ воқеаси бошланиши билан ўн етти ёшли Хўжа Ислом эҳтиёткорлик чораларини кўриб, қозоқлар мамлакатига кетади. Бошқа манбаларда бу тўғрида маълумотлар учрамайди. Дикқатга сазовор жойи шундаки, бу ерда у мамлакат ҳукмдори Қосимхон томонидан тантанали кутиб олинади. Чунки Қосимхоннинг Абу Бакр Саъд авлодларига ихлос ва эътиқоди кучли эди. Хўжа Ислом ташрифининг иккинчи сабаби ҳам асарда қайд этилган. Айнан шу кунларда Шайбоний Убайдуллахон (1533-1539) Қосимхоннинг қизига совчи узатиб унинг розилигини олади¹⁰. Хўжа Исломнинг бу масалада воситачилик қилганлиги шубҳасиз. Асар маиший-турмуш масалаларига оид маълумотларга эга бўлиши билан ҳам муайян аҳамият касб этади.

Хўжа Исломнинг сиёсий саҳнага чиқиши, обрў-эътиборининг ортиб бориши тўғрисида муаллиф ўзига хос изчиллик билан баён этади. Асар маълумотларига қараганда, у XVI аср 30-йилларидан ижтимоий-сиёсий ҳаётга тортила бошлади ва шайбонийзодалар эътиборига тушди. Бу даврда Махдуми Аъзам Хўжа Косоний (1461-1542), Хўжа Ислом ва шайбоний Искандархон ўртасида маънавий-рухий ва пиру муридлик негизига қурилган илик муносабатлар шаклланган эди. Хўжа Ислом ва Искандархон ўртасида Миёнколда бўлиб ўтган учрашувларнинг бирида уларнинг бир-бирига нисбатан садоқати, дўстлиги, ҳурмати намоён бўлганлигини «Маноқибӣ саъдийа» тасдиқлайди¹¹.

Асар Бухоро тахти учун шайбоний султонлари ўртасидаги ўзаро кураш ва бунда Хўжа Исломнинг мурасосозлик фаолияти тўғрисида қатор тарихий маълумотларни ўзида мужассам қилади. Чунончи, Абдуллазизхон (1540-1549) Бухорода ҳукмронлик қилган йилларда Тошкент ва Туркистон ҳокими Наврўз Аҳмадхон (Барокхон) ва Самарқанд ҳокими Абдуллатифхон (1540-1550) иттифок бўлиб Бухорога ҳужум қилганларида Хўжа Ислом аралашуви билан Бухоро қамали бартараф қилинди. У Наврўз Аҳмадхонни Бухорони олиш ниятидан қайтариб сулҳга эришишга муваффақ бўлди¹². Шунингдек, асарда Хўжа Исломга ҳурматсизлик қилган Барокхон вазирининг сирли ўлдирилиши тўғрисида қизиқарли маълумот келтирилади¹³.

«Маноқибӣ саъдийа»да қайд этилган муҳим тарихий воқеалардан

⁸ Ўша асар, 16а

⁹ XVI аср бошларида Муҳаммад Шайбонийхон билан жанг олиб борган Сафавийлар давлати лашкарларига нисбатан қўлланилган атама.

¹⁰ Маноқибӣ саъдийа, 17аб

¹¹ Ўша асар, 52б, 53а

¹² Ўша асар, 41б, 42аб

¹³ Ўша асар, 43аб

Абдулазизхон вафотидан сўнг (1550 й.) Бухоро тахтининг Пирмуҳаммадхон томонидан эгалланиши ва у Бухорони тарк этгандан сўнг бошланиб кетган ўзаро кураш ҳисобланади. Асарда кўрсатилишича, Абдулазизхоннинг вафоти хабарини эшитган Пирмуҳаммадхон таъзия билдириш мақсадида Балхдан Бухорога келиб уни эгаллайди. Лекин қисқа муддатли ҳукмронлик даврида у Хўжа Ислон илтифотига сазовор бўла олмади. Унинг Бухоро тахтидан четлаштирилиши сабабларидан бирини шу билан боғлайди. Ўзиборга молик томони Хўжа Ислон айнан шу даврдан бошлаб ёш Абдуллахонни Бухоро тахтига тайёрлай бошлайди. Шайбонийзодалар иштирокида бўлиб ўтадиган суҳбатларда бу ниятини яширмай ошкора баён қилади. Ҳатто рамазон кечаларининг бирида Пирмуҳаммадхон иштирокида бўлиб ўтган суҳбатда Хўжа Ислон «Биз кўпроқ Абдуллахондан умидвормиз» деб айтади¹⁴.

Шайбоний Абдулазизхоннинг Бухоро тахтини эгаллаш давридаги сиёсий вазият, унинг Наврўз Аҳмадхон (Барокхон) билан олиб борган кураши бошқа тарихий манбаларда кам ёритилган. «Маноқиби саъдийа»да эса бу тўғрида қимматли маълумотлар учрайди. Хўжа Ислон ёрдами билан Абдулазизхон Бухоро тахтини эгаллаши тўғрисида асар муҳим маълумотлар беради. Масалан, 1541 йил Наврўз Аҳмадхон (Барокхон) Бухорога ҳужум қилиб уни эгаллайди. Абдулазизхон эса Балхга чекинишга мажбур бўлди. Наврўз Аҳмадхон Бухорода узоқ турмади ва бу ҳолат ҳам Хўжа Ислоннинг унга бўлган муносабати натижаси эканлиги шубҳасиз. Бухорода ёш ўғлини қолдириб, ўзи Тошкентга кетади. Вазият Абдулазизхонга Бухорони иккинчи бор эгаллашга имкон яратди. Бунда эса Хўжа Ислоннинг хизмати катта бўлди. У махсус кишилар орқали Абдулазизхонни шаҳарнинг Солорҳаж дарвозасидан кириб, Бухорони эгаллашга чақирди¹⁵.

Асарда 1551-1554 йилларда Бухорода бўлиб ўтган воқеалар атрофлича ёритилган. Масалан, Пирмуҳаммадхон Бухорони ташлаб Балхга кетганидан сўнг Бухорода Муҳаммадёр султон ва Бурҳон султонлар ҳокимиятининг ўрнатилиши, Муҳаммадёр султон билан Хўжа Ислон муносабатларининг бузилиши, қарийб уч йил давом этган икки ҳокимиятчиликдан сўнг Муҳаммадёр султоннинг Бурҳон султон томонидан ўлдирилиши ва Бухоронинг тўла Бурҳон султон қўлига ўтиши, бундан фойдаланмоқчи бўлган Наврўз Аҳмадхоннинг Бухорога навбатдаги ҳужуми тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд. Муаллиф Наврўз Аҳмадхоннинг Бухорони эгаллай олмаганлигининг сабаблари Хўжа Ислоннинг бунга рози бўлмаганлиги билан боғлайди¹⁶. Хўжа Ислоннинг Бурҳон султонга ва унинг тарафдорларига рағбати йўқлигини муаллиф очиқ-ойдин таъкидлайди. Унинг Бухоро учун кураш кетаётган бир пайтда Урганчга кетишини ҳам шунга йўяди. Асар маълумотларига кўра, Хўжа Ислоннинг Хоразм диёрига сафари даврида унинг томонидан бу ердаги султонлар ўртасидаги ўзаро низо ва

¹⁴ Ўша асар, 86аб, 87аб

¹⁵ Ўша асар, 85аб

¹⁶ Ўша асар, 88аб, 89а

ихтилофларга барҳам берилган¹⁷.

Муаллиф Хўжа Ислоннинг Урганчдан Хўжа Юсуф Ҳамадоний қабрини тавоф қилиш учун Марвга юзланиб, бу ерда Пояндамуҳаммад султон, Абулмуҳаммадхон, Ҳайдармуҳаммад султонлар томонидан яхши кутиб олинганлигини қайд этади¹⁸. Шу даврда эса Абдуллахоннинг Бухорога от суриб, уни эгаллашга ҳаракат қилиши тўғрисида маълумот беради. Абдуллахон қудратидан танг қолган Бурхон султоннинг Хўжа Ислонга нажот сўраб мурожаат қилиши тўғрисида асарда қизиқ маълумот келтирилади. У қуйидаги сўзлар билан Хўжа Ислонга мурожаат қилади: «Вилоятни (бизга) берсангиз ҳам, вале бошимизни (уларга) берсангиз ҳам ихтиёрингиз. Фақат сулҳ бўлсин»¹⁹.

Абдуллахон билан Пирмуҳаммадхон ўртасида Бухорони Балхга алмаштириш бўйича ўзаро келишув бўлганлиги тўғрисида асарда эътиборни тортадиган маълумотлар келтирилган. Айниқса Хўжа Ислон бунга монъелик қилиб, Жўйбордаги боғида Хўжа Сидиққа айтган гаплари бошқа манбаларда учрамайди²⁰. Асарда кўрсатилишича, Хўжа Сиддиқ Хўжа Аҳрор муридларидан Мавлоно Муҳаммад Қозийнинг набираси эди. Абдуллахон Бухорони биринчи бор олганда, уни Марвга, Хўжа Ислон олдида жўнатиб, Хўжа Ислонни Бухорога келишга кўндиришни топширган.

«Маноқибӣ саъдийа» муаллифи Хўжа Ислон ижтимоий мавқеининг кенглигини Қошғар, Ёркент подшоҳларининг, Дашти Қипчоқ султонлари, Хоразм, Нисо, Марв-Шоҳжаҳон ҳукмдорларининг унга бўлган ихлосу эътиқоди мисолида кўрсатишга ҳаракат қилади. Масалан, Хитой ва Хўтан подшоҳи Шоҳхоннинг Хўжа Ислонга ихлоси сабабларини очиб беради. Ҳусайн ас-Сарахсийнинг ёзишича, Шоҳхон турли тарафдан, айниқса Бухородан келадиган савдогарлардан Хўжа Ислон тўғрисида кўп суриштирган²¹.

Қошғар ҳокими Абдурашидхоннинг (1533-1560) Хўжа Ислонга бўлган муносабати тўғрисида «Маноқибӣ саъдийа»да қуйидаги маълумотлар келтирилади. Абдурашидхон ўз пири Хўжа Ислонга яхши тўтиқушлар ва сифатли чиннилар жўнатиб турган²². Уларнинг аҳволини бир-бирига етказиб турувчи махсус киши ҳам бўлган. Муаллиф маълумотларини эътиборга оладиган бўлсак, Абдурашидхоннинг кичик ўғли – тўрт яшар Иброҳим Султон Хўжа Ислон тарбиясига берилган. Шундан сўнг Абдурашидхон ва Хўжа Ислон ўртасидаги муносабатлар яна мустаҳкамланган. Хўжа Ислон Абдурашидхон ўғлининг подшоҳ

¹⁷ Ўша асар, 92а

¹⁸ Ўша асар, 92аб

¹⁹ Ўша асар, 97аб

²⁰ Ўша асар, 99 аб, 100а

²¹ Ўша асар, 100б, 102аб

²² Ўша асар, 102а

бўлишини башорат қилади²³. Боланинг айнан шу мақсадда Хўжа Ислон тарбиясига берилиши шубҳадан холи. Султон Иброҳим подшоҳ бўлгандан сўнг, шунингдек, Абдурашидхоннинг ўғилларидан бири Абдулкаримхон подшоҳлик даврида Мовароуннаҳр билан Қошғар, Ёркент ўртасидаги муносабатлар Хўжа Ислон ҳурмат-эътибори туфайли ривожланди. Мовароуннаҳрдан келадиган карвон аҳлига, савдогарларга илтифот кўрсатилар, тухфалар улашиллар эди. Масалан, Абдулкаримхон ўз отаси Абдурашидхон васиятларига амал қилиб, Жўйбор хўжалари хонадонига кучли ихлос қўйди²⁴. Хўжа Ислон вафотидан кейин ҳам бу муносабатлар давом этаверди.

Муаллиф Хўжа Ислон обрў-эътибори баланд бўлганлигини бот-бот таъкидлаш мақсадида, унинг аралашуви билан ечимини топган сиёсий масалалар тўғрисида сўз юритади. Марвнинг Абдуллахонга олиб берилиши бунга мисол бўлади. 1557 йил Абдуллахон Бухорони олгандан сўнг Чоржўйни ҳам забт этишни ихтиёр айлаб, Марв подшоҳи Пояндамуҳаммад султонга киши узатади ва ўз даъвосини етказди. Хўжа Ислон мухлисларидан бўлган Пояндамуҳаммад султон Абдуллахон таклифини қабул қилмайди. Бу масалага Хўжа Ислон аралашиб, уни Абдуллахон фойдасига ҳал этди. У Марвга ўз муридларидан бирини жўнатиб, унга бир неча кишини ҳамроҳ қилди. Хўжа Ислон одамлари қароқчилар қўлига тушиб кўп машаққатлар чекишса ҳам Марвга етиб келишади. Марвда Шайх Муҳаммад Марвий исмли Хўжа Ислон муриди ва мухлиси бўлиб, унинг Пояндамуҳаммад султонга таъсири кучли бўлган. Шайх Муҳаммад Хўжа Ислон тарафидан юборилган кишиларга Чаҳоржўй нишонини топширди ва бу билан шаҳар Абдуллахон ихтиёрига ўтганлиги эътироф этилди²⁵.

«Манокіби саъдийа» асарининг бир қисми Хўжа Ислон маънавий-руҳий фаолиятини, ғайриоддий хислатларини ёритишга бағишланган. Унинг маслаҳатига кулоқ тутганлар шараф топганлиги, эътироз билдирганлар эса шикаст топганлиги тўғрисида кўплаб мисоллар келтирилади. Хўжа Ислон яшаган давр маънавий-руҳий ҳолатини ўрганиш учун асар муайян аҳамият касб этади²⁶.

Асарда ахлоқий камолот масалаларига бағишланган дидактик характердаги таъкидлар ҳам мавжуд. Масалан, Ҳақ Субҳона таоло тўрт нарсани тўрт нарсада пинҳон ва махфий айлабди. Биринчиси, ўз дўстларини халойиқ орасида пинҳон этибди. Иккинчиси, қадр кечасини барча кечалар ичида пинҳон қилибди. Учинчиси, ўз ғазабини фужурда яширибди. Тўрттининси, ўз раҳмати ва иноятини тоат ва ибодатда пинҳон ва махфий этибди²⁷.

²³ Ўша асар, 1026

²⁴ Ўша асар, 1026, 103а

²⁵ Ўша асар, 1486, 149а6

²⁶ Ўша асар, 20а6, 21а

²⁷ Ўша асар, 496

Хўжа Ислоннинг сўфийлик тариқати занжиридаги ўрни масаласини «Маноқиб саъдийа» асари муаллифи Хўжа Ислоннинг ўз тилидан ёритади. Хўжа Ислон сўзларига қараганда, унинг бобоси Ҳазрат Яхё тариқат занжирида Ҳазрат Мавлоно Ориф Дегаронийга бориб боғланган²⁸. Мавлоно Ориф Дегароний эса Ҳазрат Хўжа Баҳоуддин Нақшбандга боғланади. Хўжа Ислоннинг Нақшбандия тариқатининг йирик вакили эканлигини эътироф этиш мақсадида муаллиф унинг маънавий устозларидан бири Мавлоно Ориф Дегароний тўғрисида атрофлича маълумот беради. Асарда Амир Кулол, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг Мавлоно Ориф Дегаронийга бўлган кучли ихлоси мисоллар воситасида акс эттирилади.

Амир Темур билан Шайх Зайниддин Тойободий ўртасидаги учрашув тўғрисида асарда маълумот учрайди. Маълумот гарчи компилятив характерга эга бўлса-да, муаллиф шайхларнинг жамиятдаги ўрни, олий ҳукмдорга таъсири, уларни тарбия қилишдаги хизматларини кўрсатиш учун бу маълумотлардан фойдаланган²⁹.

«Маноқиб саъдийа»да мажзублик ва унинг моҳияти, вакиллари тўғрисида маълумот учрайди. Бу Мовароуннаҳрда ўрта асрларда турли тариқатлар мавжуд бўлганлигидан дарак беради. Мажзублик тўғрисидаги маълумот Бухорода яшаган Бобои Мўлтони деган шахс ва унинг шахсий ҳаёти мисолида қайд этилган³⁰. Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд ҳам мажзубликни қувватлагани таъкидланади.

Асарда Нақшбандия тариқатининг йирик намояндалари тўғрисида ҳам маълумот берилган. Чунончи Хўжа Аҳрор замондоши Ҳазрат Саййид Қосим Табризий ҳақида дуруст маълумотлар келтирилади. Муаллифнинг таъкидлашича, Ҳазрат Саййид Қосим тариқат пири Хўжа Баҳоуддинни кўрган ва суҳбат қилган. Шундан сўнг Нақшбандия тариқатига кирган. У мовароуннаҳрлик машҳур шайх Хўжа Аҳрорни жуда ҳурмат қилган. Ўз навбатида Хўжа Аҳрорнинг ҳам унга нисбатан кучли ихлоси бўлганлиги асарда таъкидлаб ўтилади³¹.

Нақшбандия тариқатининг йирик вакили Хўжа Али Рометаний таржимаи ҳоли, фаолиятига оид маълумотлар муаллиф назаридан четда қолмаган. Унинг ҳаётидан келтирилган воқеа орқали тариқатда мақомга эришиш нақадар мушкул ва бу кишидан кўп меҳнат талаб қилишини, руҳий камолотга осонликча эришиб бўлмаслигини уқтиришга ҳаракат қилади³².

Хўжа Ислонга ихлоси баланд бўлган Нақшбандия тариқатининг бошқа бир вакили – марвлик Саййид Ҳошим Хўжа ҳақида «Маноқиб саъдийа»да келтирилган маълумотлар ҳам киши диққатини тортади. Хўжа Ислон Марвда бўлган даврда Саййид Ҳошим Хўжа унинг суҳбатига дохил бўлди ва Хўжа

²⁸ Ўша асар, 49аб

²⁹ Ўша асар, 55б

³⁰ Ўша асар, 66б, 67аб

³¹ Ўша асар, 67аб, 68аб

³² Ўша асар, 72аб, 73б

Исломга ихлос қўйди. Чунки Саййид Ҳошим Хўжада тариқатга мойиллик бор эди. Хўжа Ислом эса шу мойилликни тарбият этди, мойилликни мақсадга айлантирди. Хўжа Ислом муриди Саййид Ҳошим Хўжага «Ху» зикрини ўргатди³³. Саййид Ҳошим Хўжа Макка зиёратига бориб, орқага қайтаётганида Шоҳ Тахмосп (1524-1576) одамлари томонидан жосусликда айбланиб қўлга олинди ва Шоҳ хузурига келтирилди. Ҳаёти хавф остида қолган Саййид Ҳошим Хўжа фақат Хўжа Исломга бўлган ихлоси туфайли қутулиб кетиши асарда эътироф этилган³⁴.

Хўжа Ислом муридларидан Мавлоно Аъмод ўз пирининг зийраклиги, каромат ва башоратларининг гувоҳи бўлганлигини муаллиф бир неча бор таъкидлайди. Унинг маълумотларига суяниб, Бухорода XVI аср 50-йилларида содир бўлган воқеаларни баён этади. Пирмуҳаммадхон Бухоро хони бўлиб турган даврда Хўжа Ислом бир куни Қаршига шикорга отланади ва муриди Мавлово Аъмодни ҳам таклиф этади. Мавлоно Аъмод шикорга бора олмаслиги сабабини айтгач, Хўжа Ислом унга Шаҳрисабз ҳокими Дарвеш султон рамазон ойининг ўн бешинчи тунда Қаболакаш дарвозасида Бухорога кириб, баъзи хонадонларга зарар етказишини, лекин кун ёришганда Пирмуҳаммадхон Арқдан чиқиб, Дарвеш султонга зарба беришни ва уни шаҳардан қувиб чиқаришини айтади. Унинг башорати рўй берганлиги асарда қайд этилган³⁵.

Мавлоно Аъмод тилидан баён этилган яна бир маълумот диққатни тортади. Бароқхон уч бор Бухорога ҳужум қилиб уни ололмаган вақтларда Мавлоно Аъмоднинг Тошкентдаги пири айтган эканки, Бухорода бир киши бор, агар Бухоронинг барча акобиру авлиёлари рози бўлсалар-у, лекин шу киши, яъни Хўжа Ислом рози бўлмасалар, Бухорони ҳеч ким ололмайди³⁶.

Асарда Хўжа Исломнинг заифларга мададкор, золимларни инсофга чақирувчи сифатидаги хислатлари тўғрисида нақллар учрайди. Пирмуҳаммадхон амирларидан бири Бухоро Регистонида бир кишига зулм қилиб турганининг гувоҳи бўлган Хўжа Ислом уни инсофга чақириб, зулм қилишни тўхтатишни сўрайди. Лекин зулм қилишни тўхтатмаган амир оқибатда Хўжа Ислом қаҳрига учраб шикаст топганлиги асарда қайд этилган³⁷.

Хўжа Ислом илтимосини бажармаган кишилар албатта шикаст топиши ёки бирор бир бахтсиз ҳодисага йўлиқиши ва ҳатто вафот этиши тўғрисидаги асарда тилга олинган маълумотлар унинг шахсини улуғлашга, ғайриоддий қувватини мадҳ этишга хизмат қилган. Муаллиф конкрет мисоллар асосида буни таъкидлашга ҳаракат қилади. Мавлоно Бобои Шайхим Коко исмли савдогарнинг Хўжа Ислом илтимосини рад этиб, унга оқ чинни бермагани ва бунинг оқибатида Хўжа Ислом қаҳрига учраб вафот этиши тўғрисида маълумот

³³ Ўша асар, 93аб

³⁴ Ўша асар, 94б

³⁵ Ўша асар, 117аб

³⁶ Ўша асар, 118а

³⁷ Ўша асар, 119 аб

бунга мисол бўлади³⁸.

Хўжа Ислон муридларидан Мавлоно Ёрмуҳаммадхон савдо ишлари билан Қозон ва Москва тарафларга борганда Хўжа Ислон руҳий қуввати доирасининг кенглигини тасдиқловчи ҳодисанинг гувоҳи бўлади³⁹. Хўжа Ислонга шак келтирган қароқчи оғир дардга мубтало бўлиб, тавба қилгандан кейингина ундан халос бўлади.

Ҳажга отланган Убайдуллахоннинг амирларидан Қорача ҳожининг Хўжа Ислон руҳсатисиз йўлга чиққанлиги учун нечоғли азобларга дучор бўлиши, бир жабрдийда сўфининг йўқолган молларининг Хўжа Ислон руҳий мадади билан топилиши, марвлик Темур Хўжа исмли бир шахснинг Хўжа Ислон саъй-ҳаракати билан шаробхўрликни тарк этиши каби нақллар асардан жой олган. Хўжа Ислон номи нафақат Мовароуннаҳр ва Хуросонда, балки Рум вилоятида ҳам маълум эканлигини алоҳида қайд этиш учун муаллиф турли воқеаларни келтирган. Чунончи Мавлоно Абдулвоҳид Қошғарий ҳажга кетаётиб, Рум вилоятига етганда тамғачилар унинг машини ва мол-мулкларини олиб қўядилар. Вилоят ҳокими Искандар подшоҳ Хўжа Ислонни билгани, у тўғрида эшитгани ва унга ихлоси борлиги туфайли Мавлоно Абдулвоҳид Қошғарийнинг мол-мулкларини қайтаришга буйруқ беради⁴⁰. Абдулвоҳид Қошғарий Турфон вилоятига борганда Шоҳхон лашкарлари томонидан асирга олиниб, мол-мулки талон-тарож қилинади. Лекин унинг Хўжа Ислонни билгани ва у билан ҳамсухбат бўлгани аниқлангач, Шоҳхон унга беҳад илтифотлар кўрсатиб, ҳибсдан озод қилади ва ўғирланган мол-мулкларини қайтариб беради⁴¹. Шоҳхон Хўжа Ислонни бирор марта ҳам кўрмаган бўлса-да, унинг руҳий қувватидан мадад олиб, зафар қучганлиги боис Хўжа Ислоннинг ғойибона мухлиси бўлгани, унга ихлос қўйгани асарда таъкидланган. Бошқа бир жойда эса икки фарзандидан жудо бўлиб, тушкунликка тушган ва шунинг оқибатида ҳофизлик қобилиятини йўқотган Ҳофиз Иброҳим деган шахснинг Хўжа Ислон нафасидан шифо топгани ва яна фарзанд кўргани таъкидланади⁴². Асарда шунга ўхшаш мисоллар кўп учрайди.

«Маноқиби саъдийа» асари Хўжа Ислоннинг йирик диний арбоб, тариқат пешвоси, нодир қобилият соҳиби сифатида жамият маънавий ҳаётида тутган ўрни, шунингдек, маънавий-маданий ва ижтимоий тарихнинг қатор масалаларини ўрганиш, янгича талқин ва мушоҳада қилишда ёрдам берувчи муҳим манбадир.

³⁸ Ўша асар, 128б, 129аб

³⁹ Ўша асар, 130аб

⁴⁰ Ўша асар, 145аб

⁴¹ Ўша асар, 146б, 147аб

⁴² Ўша асар, 150аб

Р е з ю м е

В статье подробно анализируется житие одного из видных представителей Джуйбарских ходжей Ходжа Ислама.

R e s u m e

This article analyzes in details the life of one of the distinguished representatives of Djuybar khodjs Khodja Islam.